O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 21 ноябрь, шанба • № 91 (11.074) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

ЖАМИЯТ — БОШҚАРУВ — АМАЛИЁТ

МАМЛАКАТИМИЗДА катта ижтимоий-сиёсий воқеага ҳозирлик кўрилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши шу йилнинг 4 ноябрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шу қарорга мувофиқ ноябрь-декабрь ойларида қуйи бошқарув органларига сайловлар ўтказилади.

Бу сайловлар республика аҳолисининг кенг қатламига даҳлдордир. Чунки, 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро ўзини ўзи бошқариш органлари, йиғинларнинг раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда иштирок этади. Демак, у ўз фикрини ифодалаш билан бирга мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этади.

Кеча республика Олий Мажлисида марказий ва маҳаллий давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгаши» ҳам ана шу муҳим масалага қаратилди.

Семинар-кенгашни республика Олий Мажлисининг Раиси Эркин Халилов очди.

Семинар-кенгаш ҳақида тўхталиб, шуни айтиш керакки, сўзсиз, бу анжуман қуйи бошқарув органлари ишини такомиллаштириш ва бўлажак сайловларни юқори савияда ўтишини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки, семинар-кенгаш кун тартибига киритилган масалалар, маъруза ҳамда чиқишлар айнан қуйи бошқарув органлари зиммасидаги ваколатларнинг моҳиятини очиб беришга ва тушунтиришга қаратилди. Хусусан, семинар-кенгашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги роли ва ўрни, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини танлаш, тайёрлаш ва масъулиятини оширишга доир вазифалари, ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш чоратадбирлари, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ва унинг маҳаллий бўлинмалари раислари ҳамда маслаҳатчилари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этиш масалалари, ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вазифалари, бу органлар фаолиятининг молиявий асосларини мустаҳкамлашга доир чоратадбирлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга ҳамда мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга доир вазифалар тадбирлари, бу органларнинг оилани мустаҳкамлашдаги устувор вазифалари сингари мавзулар тўғрисида маърузалар ўқилди ва фикр алмашилди.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтиришга доир қисмини такомиллаштиришга қаратилган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги маъруза ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Лўнда қилиб айтганда, ўтказилган бу семинар-кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларнинг туб моҳиятини очиб бериш билан биргаликда қуйи бошқарув органларининг жамиятимиз ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини, бу жараёнлар демократик тамойиллар асосида амалга ошаётганлигини яна бир бор яққол ифода этмоқда.

КОМИССИЯЛАР ИШ УСТИДА

КЕЙИНГИ йиллар ичида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари Президент фармонлари, ҳукуматимизнинг қарорлари ижросини таъминлашда ишонч ва эътиборга сазовор бўлдилар. Бундай саъй-ҳаракат, аввало, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ночор оилаларни қўллаб-қувватлаш, 16 ёшгача бўлган болаларга тўланадиган нафақалар билан таъминлашни изчил йўлга қўйиш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларда қадриятлар, азалий ижобий анъаналарни тиклашга бўлган интилишларида яққол сезилди.

Айни пайтда ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар кўлами йилма йил кенгайиб бормоқда. Улар давлат ва халқ манфаатини кўзлаган энг муҳим ҳужжатларни оммага етказишнинг жонкуярлари, тарғиботчиларига айландилар. Қуйи бошқарув органларининг аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлидаги ҳаракатлари ҳам кучайди. Айниқса, ижтимоий, хусусан, маҳалла муаммоларини ҳал этиш иштиёқи билан яшаётган, сўзининг салмоғи кучли кадрлар сайланган жойларда ободончилик авж олди, гузарлар барпо этилди, аҳолига тиббий, маиший, савдо, коммунал хизмат кўрсатиш даражалари ошди. Тўйларни ихчам ва сермазмун ўтказиш борасида бой тажриба тўплаган Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон маҳалласи, жамоатчиликни кўкаламзорлаштириш ишларига кенг жалб эта олган Қибрай туманидаги Ўнкўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, тадбиркорликка дадил йўл очиб ҳар бир хонадон фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган Бекобод шаҳридаги Муқимий номли ва кўплаб бошқа маҳаллалар фаолларининг фаолиятлари бунга яққол мисол бўла олади.

Демак, ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ экан. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 3 ноябрь қарорида фуқаролар йиғинларига раислар, уларнинг маслаҳатчиларини сайлашда ташкилотчилик қобилиятига, катта обрў-эътиборга, етарли билим даражасига эга бўлган, янги демократик қадриятларни тез ўзлаштира олувчи, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ва уларни амалга оширишга қодир одамларни танлаш тавсия этилди.

— Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларга тайёргарлик жараёнида айни шундай номзодлар фуқаролар йиғинлари раислигига тавсия этилмоқда, — дейди Юқоричирчиқ тумани ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Шавкат Таслимбоев.

Бу ҳудудда навбатдаги сайловлар олдидан барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда оқсоқоллар ҳисоботлари эшитиб борилмоқда. Ўтган икки ярим йил ичида амалга оширилган тадбирлар сарҳисоб қилинди. Янги сайловларни ўтказишни ташкил этувчи 12 кишидан иборат туман комиссияси аъзолари жойларда сайловчилар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳам ўрганиб чиқмоқдалар. Бу эса 28 ноябрь-3 декабрь оралиғида ўтадиган сайловларга кўрсатилган номзодлар қайси масалаларга эътибор беришлари кераклигини тушуниб олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар олдидан

Туманда мазкур сайловлар аввалгисидан ўзгача тарзда ўтади. Бу сафар муқобиллик тамойилига амал қилинади. Яъни маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига 3 нафардан номзод кўрсатилди. Улар орасидан сайловчиларнинг 50 фоиздан кўпроқ овозига эга бўлгани сайланган ҳисобланади. Айни пайтда ўзини ўзи бошқариш органларининг раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда маҳалла аҳолисининг 18 ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи ҳар 50 кишидан бир нафари қонун асосида вакил қилиб олинганлиги ҳам туман комиссиясининг аниқ фаолият кўрсатаётганлигидан далолатдир.

— Ўнта қишлоқ ва қўрғон фуқаролар йиғинлари, 43та маҳаллада ўтадиган сайловларни пухта ҳамда уюшқоқлик билан ташкил этишга жиддий эътибор беряпмиз, — дейди мулоқотимиз чоғида Ш. Таслимбоев, — сайлов ўтказиладиган жойлар аниқланиб, зарур даражада ҳозирлаб қўйилди. Комиссия аъзоларига тегишли тавсиялар тарқатилди. Эндиликда муқобил тарзда кўрсатилган номзодлар билан уларга даҳлдор маҳаллалар, қишлоқларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Хусусан, бундай мулоқотлар «Тинчлик», «Саксон ота», «Бордонкўл», «Оқ овул», «Арганчи» қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди. Туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам ана шундай учрашувлар давом этмоқда.

Сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишда туман комиссияси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Олий Мажлис Кенгаши қарори асосида ўзига белгилаб олган дастур ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра туман газетаси орқали қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла қўмиталари оқсоқолларининг тажрибаси оммалаштирилади. Ўзини ўзи бошқариш органларининг демократик-ҳуқуқий жамият қуришдаги ўрни, уларни ижтимоий-хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишдаги фаолияти изчил ёритиб борилади. Хуллас, туманда барча саъй-ҳаракатлар сайловларни талаблар даражасида уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлашга қаратилади.

Саидвали ҲАСАНОВ.



«Ўзбекистон кимё машинасозлиги» ҳиссадорлик жамияти жамоаси республика халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларига ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилган асбобускуналарни нефть-газ, металлургия саноатлари, нурхоналар, ҳатто тиббиёт муассасаларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Машинасозлар жорий йилда ҳам самарали ишлаб, барча буюртмаларни вақтида бажаришга эришмоқдалар. Мақсадлари хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаш. Ушбу суратларда ўзларининг унумли меҳнатлари билан корхона жамоаси ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётган қолипловчи Клара Нурмуҳабетова (юқорида), республикада хизмат кўрсатган саноат ходими, устоз машинасоз Степан Кирсяни шогирди Бахтиёр Абдуллаевларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БЕКОБОДНИНГ ЭЧКИМИЖОЗ СИГИРЛАРИ

ВИЛОЯТДАГИ энг йирик пахтакор ҳудуд ҳисобланган Бекобод тумани бу йил ҳам давлат режасини бажаролмади. Бунинг сабабларини сўрасангиз, кўпчилик об-ҳавонинг ноқулай келганлигини баҳона қилмоқда. Тўғри, жорий йил пахтачилик учун ноқулай бўлди. Баҳордаги ёғингарчиликлар экиш ишлари ва дастлабки парваришни оби-тобида ўтказишга ҳалал берди.

Лекин, ёғингарчилик кўп бўлса, чорва озуқаси кўпайиши, натижада, тармоқда ижобий ўзгаришлар содир бўлиши керак эди-ку? Афсуски, маълумотлар эса Бекободда чорвачилик ҳам жиддий инқирозга юз тутганлигини кўрсатмоқда.

Туман ҳокимининг иқтисод бўйича муовини Мадамин Маҳсудовнинг гапларига қараганда, туманда 1997 йил 1 ноябрида 34556 бош қорамол, шу жумладан, 17148 бош сигир бўлган. Бу йил шу даврга келиб эса, жами қорамоллар сони кўпайиб, 34756 бошни ташкил этибди. Сигирлар 17153 бошга кўпайибди.

Бу рақамлар ҳар қандай одамни ҳам қувонтириши шубҳасиз. Чунки, ҳозирги қийин шароитда моллар бош сонини оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун озуқа манбаини юксалтириш, молхоналарни жиҳозлаш, кенгайтириш, хуллас, катта ишларни амалга ошириш лозим эди. Шундай қилинса, давлатга топшириладиган гўшт ва сут ҳажми ортиши аниқ эди.

Бироқ, маълумотларни синчиклаб таҳлил этиш жараёнида туманда манзара умуман бошқачалигини билиб олдик. Равшан бўлишича, бизга берилган маълумотга қараганда аҳоли қўлидаги моллар ҳам қўшиб ҳисобланган экан. Аслида жамоат чорвачилигидаги молларнинг бош сони ниҳоятда кам. Масалан, жамоа хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермаларда 1997 йил 1 ноябрда 4131 бош қорамол, шу жумладан, 1363та сигир бўлган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб жами қорамоллар сони 3968 бошга, сигирлар эса 1146 бошга тушиб қолган.

Кўпинча тадбиркор чорвадорлар қари, маҳсулдорлиги паст бўлган қорамолларни камайтириб, ўрнига зотдор молларни олишади. Шунинг ҳисобига моллар бош сони озайса-да, гўшт, сут етиштириш кўпаяди. Бу, ем-хашак ва бошқа харажатлар сарфини ҳам камайтиради. Лекин, туман хўжаликларида бу йўлдан борилмаган тушиб қолди? Мадамин Маҳсудовнинг таъкидлашича, чорвачилик фермалари хусусийлаштирилгач, уларнинг кўпларида ишлар тўғри ташкил этилмади. Уларнинг эгалари елиб-югуриш, излаш, қидириш, йўқни йўндириш ўрнига давлатдан бериладиган ем-хашакка, техника ва бошқа нарсаларга кўз тутдилар. Уларни етарли даражада ололмагач, осонига кўчиб қўя қолишди.

«Тошкент ҳақиқати» бонг уради

кўринади. Бўлмаса, гўшт ва сут тайёрлаш хажми ўтган йилдагидан камайиб кетмаган бўларди.

Масалан, ўтган йили шу кунгача Бекободлик чорвадорлар 976,1 тонна сут тайёрлашган эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 816,1 тоннага тушиб қолди. Яъни 160 тоннага камайиб кетди. Туманда гўшт тайёрлашнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Яъни ўтган йили ҳозиргача 265 тонна гўшт тайёрланган бўлса, бу йил эса 229 тонна тайёрланди, холос.

Хўш, туманда чорвачилик нега шундай аянчли аҳволга

Яъни, зотдор моллар сотиб юборилди. Уларнинг ўрнини тўлдириш ҳақида бош қотирилмади. Уларнинг ўрнига ориқтириқ, зоти паст бўлган молларни харид қилиб, подани тўлдиришди. Бунинг устига ғалла майдонларини кўпайтириш учун озуқа экинлари экиладиган ерлар камайтириб юборилди. Буларнинг ҳаммаси туманда чорвачиликнинг таназзулга учрашига олиб келди. Фермаларда бўлсангиз, кўринарли жойларга катта-катта ҳарфлар билан «Сигирнинг сути тилида», деб ёзиб қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу, сигир тўйимли ва ширали озуқадан қанча кўп еса, сути шунча кўпаяди, дегани. Лекин, қани ўша сифатли озуқа?! Молларнинг кўпчилиги фақат сомону похол чайнашдан нарига ўтмаяпти. Сут бериши ҳам шунга яраша...

Хусусан, туманда 1140 бош сигир бор. Айни кунларда шуларнинг 679 боши соғилмоқда. Кунига ҳар бош сигирдан 2-3 килограммдан сут соғиб олинаётир. Очиғини айтганда, бу эчки берадиган сут билан баробар.

Лекин, айрим хўжаликлардаги «говмиш»лар бераётган сут олдида бу ҳолва. Масалан, Улуғбек номли жамоа хўжалигидаги мавжуд 218 бош сигирдан ўртача 900 граммдан сут соғилибди! Бу кўрсаткич «Ғалаба» жамоа хўжалигида 1,3, Бобур номли хўжаликда 1,9, «Қолгансир» жамоа хўжалигида эса кунига 800 граммдан сут соғиб олинаётганлигига нима дейсиз?!

Хўжаликларнинг хусусийлаштирилган фермаларида аҳвол бундан ҳам баттар. Моллар бош сони камайиб, маҳсулот етиштириш тобора озайиб бораётир. Халқимизда деҳқончиликда йўл қўйилган хатони бир йилда, чорвачиликдаги хатони эса ўн йилда тузатиш мумкин деган, ибора бор.

Аммо, Бекобод туманида чорвачиликни юксалтириш учун ҳаракат сезилмаяпти. Буни хўжаликларда жамғарилган озуқаларнинг ҳажми ҳам, тури ҳам, сифати ҳам талабга жавоб бермаслигидан, фермалардаги бинолар нураган, техника воситалари, озуқа цехлари аянчли аҳволда ётганлигидан ҳам билса бўлади.

Қиш эшик қоқмоқда. Демак, чорвадор жиддий имтиҳондан ўтадиган пайтлар яқин. Ана шунда панд еб қолмаслик учун ҳозирданоқ дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўриш керак. Аёзли кунлар бошланганда эса кеч бўлади.

Каримжон РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

КОЛЛЕЖДА МАЪҚУЛЛАДИЛАР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар технология коллежида Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари ва шу муносабат билан юртбошимизнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси саволларига жавоблари муҳокамасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда коллеж ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди, доцент Солижон Бойматов маъруза қилди. У ўз сўзида адолатли жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда рўй берган ва бераётган воқеаларга Президентимизнинг нуқтаи назарларини аниқ далил ва хулосалар орқали баён этиб берди.

Анжуманда сўзга чиққан ўқитувчилар ва талабалар юртбошимизнинг фикрларига тўла қўшилишларини, уларда баён этилган йўл-йўриқларни амалга ошириш йўлида куч-ғайратларини аямасликларини таъкидладилар.

Комила ТЕМИРОВА.

МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг миллий урф-одатларимиз ва маросимларни ўтказишни тартибга солишга қаратилган Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган масалалар жойларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Куни кеча Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши ана шу масалага бағишланди.

Анжуманда шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаев, маҳаллалар номидан Дилбар Алимова, «Ўрта маҳалла» масжиди имом-хатиби Азимхўжа Зиёмхўжа ўғли ва бошқа кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шокир ТЎҒОНОВ.

ИҚТИСОДИЙ САМАРА — 600 МИНГ СЎМ

БЕКОБОД автобус-такси саройи акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилда бир маромда ишламоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб, тушум миқдори кўпаймоқда. Бундай натижага, асосан, автобуслар ва бошқа транспорт воситаларини йўналишларга етарли чиқариш, корхона ихтирочилари ва ижодкорларининг муносиб ҳиссалари туфайли эришиляпти.

Техника ихлосмандлари йилнинг биринчи ярмида ўнга яқин шундай таклифларни корхона раҳбарияти ҳукмига ҳавола этдилар. Уларнинг ҳаммаси жамоа олдида турган техника муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ижодкорлар амалга оширган шундай янгиликлар катта миқдордаги жамоа маблағини тежаб қолди. Кўрилган жами фойда салкам 600 минг сўмни ташкил этди. Бунда О. Жўраев, Б. Бобоев, А. Зокиров, А. Зоиров, Ю. Аҳмедов ва бошқаларнинг улуши катта бўлди.

Собир ҲАМИДОВ.

РОБЕРТО СИМОНА МУАЛЛИМЛАР ДАВРАСИДА

КЕЧА вилоят Ўқитувчилар малакасини ошириш институти биносида «Инсон ва жамият» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган кўплаб муаллимлар, мураббийлар юқоридаги номдаги китобни нашр этишга ва хайрия билан боғлиқ қатор семинарларни уюштиришга ҳомийлик қилиб келаётган халқаро Қизил Хоч қўмитаси мутахассиси Роберто Симона билан учрашдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят Қизил Ярим ой жамияти ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ўтказилган бу мулоқот жонли ва сермазмун бўлди.

Шаҳноза АБДУАЗИМОВА.

ТУРКМАНИСТОНГА ЮБОРИЛДИ

«ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалик машинасозлиги» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Марказий Осиёда деҳқончиликда қўлланиладиган темир сўқалар ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Яқин хорижий мамлакатлардан шундай маҳсулотни етказиб бериш юзасидан корхонага кўплаб буюртмалар кела бошлади.

Машинасозлар куни кеча қардош Туркманистон пахтакорларининг буюртмасини бажаришга киришдилар. Олтита юк вагонига ортилган маҳсулот ва эҳтиёт қисмлар шу мамлакатга қараб йўл олди. Умуман уларга салкам 700 минг долларлик қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилади. Чирчиқликлар буюртмани ўз вақтида, тўла ва сифатли бажариш учун барча имкониятларни ишга солиб ишламоқдалар. Чунки, бу корхонанинг валюта жамғармасини кўпайтиришга олиб келади.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1999 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, кейинги йилларда Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси, агросаноат комплексини бошқаришнинг бошқа органлари келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказиши, бу ишлардаги мавжуд жиддий камчиликларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисидан, вилоятлар ва туманлар ҳокимларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, агросаноат комплексини бошқаришнинг бошқа органлари раҳбарларидан:

1998 йил 5 декабргача ҳамма жойда кузги шудгорлашни;

1999 йил 1 февралгача экиш техникасининг бутун комплексини тузатиш;

1999 йил 15 февралгача коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни;

шўрланган ерларни ювишни 20 февралгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса 1999 йил 10 мартгача тугаллаш учун кузги-қишки дала ишларини авж олдириш, бу ишларни бажаришга ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси, туман, вилоятнинг мавжуд имкониятлари ва заҳираларини сафарбар қилиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш талаб қилинсин.

УШБУ МАҚСАДЛАРДА:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган кузги шудгорлашни тугаллаш, коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалаш, шўрланган ерларни ювиш муддатлари бўйича таклифлари қабул қилинсин;

кузги шудгорлаш, ерларни текислаш ва мелиорация ишларини бажаришга идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар саноат, қурилиш ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг ҳайдов тракторлари, экскаваторлари ва бошқа ер ковлаш техникаси шартнома асосида жалб қилинсин.

Кузги-қишки агротехника тадбирлари сифатли ўтказилишига, ушбу тадбирларни бажаришда банд бўлган механизаторларга зарур ишлаб чиқариш ва маиший шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берилсин;

ишларнинг сифатли бажарилганлиги учун механизаторларни моддий рағбатлантириш ҳамда ишларни бажаришда агротехника талаблари бузилганлиги учун иқтисодий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларидан кенг фойдалансин.

Кузги-қишки агротехника тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмаслигига йўл қўяётган ва бу ишлар сифатсиз бажарилаётганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан республика қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишгача жазолашнинг қаттиқ чоралари кўрилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси мутахассислар ва олимлардан ишчи гуруҳлар тузсинлар ва уларни кузги шудгорлаш тугаллангунга қадар кузги-қишки тадбирларни ташкил этиш ва улар сифатли бажарилишини таъминлаш вазифаси билан республика минтақаларига юборсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари жойларда ана шундай гуруҳлар ташкил этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳайдов агрегатлари икки сменада ишлашини таъминласинлар, кўчма тузатиш бригадалари ташкил этсинлар, двигателлар, узеллар ва агрегатларни, бошқа зарур материалларни алмаштириш фондлари ташкил этсинлар;

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси эса машина-трактор парклари ва хўжаликларнинг буюртмалари бўйича ҳайдов агрегатларига эҳтиёт қисмлар тайёрланишини ва етказиб берилишини таъминласин.

4. «Ўзкимёсаноати» уюшмаси минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ва уларни 1998-1999 йил куз-қиш даврида қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб беришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 17 ноябрь.

ЕР—ТАБИАТ «ФАРЗАНДИ»

Ҳа, халқда шундай ибора бор. Ер ҳам боладай «тарбия»га муҳтож. Чунки тупроқ қиш палласида яйраб дам олади, лозим даражада «семиради», оқибатда, деҳқон кутган ҳосилни беради

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олимларнинг гапларига қараганда, экин майдонлари замини йиллик меъёрдаги азотли ўғитнинг қарийб 60 фоизини табиий йўсинда, яъни қор, ёмғир ва туман воситасида ҳаводан олар экан. Қолган 40 фоизини эса деҳқон қўлидан беради.

Агар ҳайдаладиган ерлар кузда барвақт ва сифатли шудгор қилиниб, бағри юмшатиб қўйилмаса, ер қатламлари қотиб кетиб, қор ва ёмғир сувлари тупроққа тўла сингмайди. Бинобарин, ер намга қонмайди ва олимлар айтган табиий азотли озуқани ололмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларини жиддий огоҳлантирувчи, ҳар бир кузги-қишки агротехника тадбирларини айни вақтида ва оби-тобига етказиб ўтказишга даъват этувчи муҳим ҳужжат бўлди. Ҳукумат қарорида таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам эски даврни қўмсайдиган, янгича ишлашни хоҳламайдиган, оромини бузгиси келмайдиган, хулоса қилиб айтганда, боқибеғамлик касалига қаттиқ чалинган кимсалар раҳбарлик қилаётган туман ва хўжаликларда кейинги йилларда минг гектарлаб экин майдонлари барвақт шудгорлаш у ёқда турсин, ҳатто, мутлақо ҳайдалмай қолиб кетиши одат тусига кириб қолди.

Афсуски, далалардаги ҳамма экинлар ҳосили деярли тўла йиғиштириб олинган бўлишига қарамай, айрим туман ва хўжалик раҳбарларининг майдонларни барвақт шудгорлаб қўйиш, лозим бўлган ҳудудларда ерларни текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларига бепарво, совуққонлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари бу йил ҳам давом этмоқда. Бунинг қандай оқибатларга олиб келиши эса ҳаммага аён. Кузда

Муносабат

шудгорланмай, намлик ва ўғитга тўйинмаган ер кўкламга келиб, шошма-шошарлик билан пала-партиш ҳайдалади. Ариқ-зовурлар кўл учида тозаланади. Натижада, экинларни экиш кечикиб, ҳосилдорликка путур етади.

Яхши отга бир қамчи, деганларидек, юқоридан кўрсатма ёки фармойиш кутмай, ҳар йилги амалий тажрибалардан келиб чиқиб, ўз ишини билиб қиладиган жонкуяр, тадбиркор раҳбарлар бошлиқ туман ва хўжаликларда экин майдонлари деярли шудгорлаб бўлинди. Жумладан, Зангиота туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида далалардаги ҳосил барвақт йиғиштириб олиниб, сабзавот етиштириш йиллик режаси 172 фоиз бажарилгач, мавжуд 4та ҳайдов трактори ишга солинган эди. Бугунги кунда сўнгги гектарлар шудгорланмоқда.

Умуман, вилоятимизнинг кузги-қишки агротехника тадбирларини амалга оширишнинг бугунги аҳволини таҳлил қиладиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, кузги шудгорлаш белгиланган тартибда олиб борилмоқда. Чунончи, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ишлаб чиққан жадвалга мувофиқ вилоятда 20 ноябргача 139 минг гектар экин майдонининг 26558 гектари шудгорлаб бўлиниши лозим эди. Амалда эса ҳайдалган майдонлар 31 минг 100 гектардан ошди. Кузги-қишки тадбирларни вақтида ўтказиш яхши ташкил этилган Оҳангарон, Бўстонлиқ, Зангиота туманларида ҳозирдаёқ 70-80 фоиз майдон шудгорлаб бўлинди.

Тўғри, пахтакор туманларда кузги шудгорлаш ишлари сабзавоткор туманлардагига нисбатан бироз кечикиши табиий ҳол. Аммо, бу баҳона вазифасини ўтамаслиги керак. Масалан, Бўка туманида эндигина 10 фоиздан кўпроқ ер шудгорланганини ҳеч қандай баҳона ёхуд сабаб билан оқлаб бўлмайди. Шунингдек, сабзавоткор Тошкент туманида шу кунгача 50 фоиздан зиёд экин майдонлари ҳайдалмай ётгани кузги-қишки агротехника тадбирларини ўтказиш яхши эмаслигидан далолат беради.

Вақт ғанимат. Бугунги ёғин-сочинсиз, илиқ-иссиқ кунлардан самарали фойдаланиб, нафақат шудгорлаш, балки, кўкламги экиш мавсуми билан боғлиқ барча техника воситаларини, суғориш тармоқларини тартибга келтиришга ҳозирдан киришиш зарур. Ҳукумат қарорида таъкидланганидек, бунинг учун имкониятлар етарли. Фақат жонбозлик, ташаббускорлик керак, холос.

Кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги ёки пала-партиш ва сифатсиз бажарилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жазо чоралари кўрилишини унутмаслик керак.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



МАВЛОН Шодиев касбини улуғлаб келаётган ҳайдовчиларнинг бири. Шунинг учун ҳам унинг номини «Тўйтепа автокорхонаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида каттаю кичик ҳурмат билан тилга олади. 15 йилдан ортиқроқ вақтдан бери шу даргоҳда меҳнат қилаётган М. Шодиев ўз касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган. Моҳир ҳайдовчи кўп йиллардан бери ўз автобусида республикамиз пойтахти — Тўйтепа йўналишида йўловчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни вақтда у мураббийлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқда. Ўнлаб шогирдлари устоз билан ёнма-ён туриб ишламоқдалар.

СУРАТДА: моҳир ҳайдовчи М. Шодиев.

Усмон УСМОНОВ олган сурат.

Соғлиқни сақлаш ва ислоҳот

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони соҳа ходимлари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Зеро, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар ва қўйилаётган янги талаблар тиббиёт тизимига ҳам тааллуқлидир

Тошкент вилоятида кейинги йилларда соҳани такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кўпайтириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Вилоят шаҳар ва туманларида ҳозирги кунда 11582 ўринга эга бўлган 115 даволаш муассасаси мавжуд. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида жойларда 64та замонавий қишлоқ врачлик пунктлари очилди.

Тиббиёт соҳасидаги бундай ўзгаришлар қандай самара беряпти? Умуман аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш учун бугунги кунда нималар қилиш керак?

— Одамлар арзимаган касаллигини аниқлаш ёки даволатиш учун бир неча километр йўл босиб марказга қатнаши шарт эмас, — дейди Бўка тумани Марказий касалхонаси Бош врачи Анвар Раҳматуллаев. — Жойлардаги фельдшер-акушерлик пунктларининг замонавий шифо масканларига айлантирилиши натижасида ҳозирнинг ўзидаёқ марказга қатновчилар икки бараварга қисқарди. Кундузги стационарлар сонини кўпайтириш эвазига молиявий тақчилликлар бир қадар бартараф этилмоқда, шифохоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имконияти кенгаймоқда.

Таркибига туғруқхона, жарроҳлик, ички касалликлар, тиббий тез ёрдам каби олти бўлимни бирлаштирган туман Марказий касалхонасида ётиб даволаниш учун ўринлар етарли. Бироқ бугунги ҳисоб-китоблар шифохонага тушган ҳар бир беморнинг буткул соғайиб кетиши учун 30 минг сўм атрофида маблағ сарфланишини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, биргина «Тез ёрдам» машинасининг бемор хонадонига бориб келиши ўртача 300 сўмга тушяпти.

Бинобарин, мамлакатимиз бюджетининг каттагина қисми тиббиёт соҳасига ажратилмоқда. Эндиликда бу маблағларни ўз жойида тежаб-тергаб ишлатиш, улардан оқилона фойдаланиш зарур. Чунки, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Қолаверса, «Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш афзал» деган қоидани буткул қарор топтиришгина вазиятни ўнглашга ёрдам бериши мумкин. Бунда жойларда ташкил этилаётган замонавий қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ врачлик пунктларининг афзаллиги, аҳоли учун қулайлиги нимада? Биз «Паркент» жамоа хўжалигида очилган ана шундай шифо масканларидан бирининг даволанувчилари билан суҳбатлашганимизда улар мамнунликларини изҳор этишди.

— Бир ярим ёшли ўғлим шамоллаб қолган эди, мана икки кундан бери шу ерда даволаняпмиз, — дейди ёш она Мавжуда Шомуродова. — Кечгача муолажа оламиз. Сўнгра уйга қайтамиз. 12-15 километр олисдаги марказий шифохонада ётиб даволанишга, оила аъзоларим, қариндошларимни безовта қилишга ҳам ҳожат йўқ.

Замонавий шифо масканига тажрибали шифокор Сериқбой Хўжамқулов раҳбарлик қилади. У нафақат раҳбар, балки умумий амалиёт врачи ҳамдир. Бошқача айтганда, беморнинг ички касаллигидан тортиб юрак, эт-суяк дардларигача аниқлаш, даволаш, қон босимини ўлчаш ҳам унинг вазифасига киради. Қўл остида битта болалар врачи, етти нафар ўрта тиббий маълумотли ходим бор. Бир сўз билан айтганда, мазкур врачлик пунктида деярли барча касалликни аниқлаш ва даволаш учун шароит бор.

Ойхўжа Йўлдошев номидаги хўжаликда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пункти фаолияти ҳам маҳаллий аҳолига маъқул келмоқда. Зеро, соғлиғидан шикоят қилувчилар шу ернинг ўзида кўрикдан ўтиши, тегишли муолажани олиши мумкин. Шифо масканида кундузи ётиб даволаниш учун 12 ўрин мавжуд. Айни пайтда ҳафтада бир марта аёллар учун стоматолог, гинеколог кўриги ташкил этилмоқда. Педиатр Сайфутдин Эргашевнинг айтишича, даволаш ёки ташхис қўйишнинг иложи бўлмаган тақдирда, беморларга тўғридан-тўғри юқори шифо масканларига йўлланма берилади. Туманда бундай замонавий шифо масканлари бугунга келиб учтага етди.

Туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда хусусий секторни ривожлантириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бозор иқтисоди ҳар бир ишни рақобат асосида ташкил этишни талаб қилади. Туманда айни пайтда 22 нафар шифокор якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Улар орасида хусусий шифохоналар очиш истагида юрганлар кам эмас.

Айни чоғда шуни ҳам таъкидлаш керакки, юртбошимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони қишлоқда ҳам тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, янги қишлоқ врачлик пунктларини очиш, улар фаолиятини жонлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Н. ДЎШАЕВ,
ЎзА мухбири.

КЎПЧИЛИКДАН ИШ ҚОЛМАС

АНГРЕНДАГИ «Уйжой қурилиш» ҳиссадорлик жамиятида 230 нафардан ортиқ ишчи-ходим, техник-муҳандислар ишлайди. Улар меҳнат унумдорлиги ва иш суръатини тобора оширмоқдалар. Натижада 52 миллион сўмлик кредиторлик қарзлари қисқа муддат — икки ярим ой ичида тўла қайтарилди. Ойлик иш ҳақи эса 30 фоизга ортди. Хўш, бунга қандай эришилди?

Даставвал мутахассислар, тажрибали бинокорлар бамаслаҳат корхона ишлаб чиқаришида юзага келган аҳволни ўрганиб, ички имкониятларни таҳлил қилиб чиқдилар. Жамоа аввало моддий-техника базасини мустаҳкамлашга киришди. Эскириб қолган ускуналар қайта таъмирланди. Янги замонавий жиҳозлар келтирилди. Аҳоли талабини қондириш мақсадида бир кунда 8 минг дона хом, 25 минг дона сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цехлар очилди. Бунга қўшимча ҳар сменада 400-500 дона кумлик ғишт тайёрлайдиган 2 та янги ускуна ўрнатилди. Натижада, ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайиб, 12 та янги иш жойи яратилди. Қаровсиз ётган 16 сотихли лимонхона қайта тикланди. Ёрдамчи хўжаликда эса парранда ва майда молларни парвариш қилиш йўлга қўйилди.

Бунга қандай эришилди?

Ишчиларнинг унумли

Тадбиркорлик иқтисодиёт келажаги

меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратилди. Яқинда битказилган 60 ўринли шинам ошхона улар ихтиёрига топширилди. Бундан ташқари, ҳиссадорлик жамияти қурган «Савдо уйи» харидорларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашда хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, маиший мажмуа — сартарошхона, ҳаммом, тиш даволаш хонаси, соғломлаштириш профилакторийси ишлаб турибди.

Тайёрланган қурилиш лойиҳалари замонавий андозаларга тўлиқ жавоб бера оладиган даражага етказилди. Шунинг учун, ҳатто халқаро тендерларда иштирок этиш мумкин бўлди. Унда қатнашиб, биринчи ўрин эгалланди. Натижада, хориж мамлакатлари билан ҳам шартномалар тузишга киришилди. Айниқса, Малайзия тадбиркорлари билан қилинган аҳднома аҳамиятлидир. Умумий қиймати 360 миллион АҚШ долларига тенг уй-жойлар ва бошқа бино-ларни қуриш пудрати олинди. Шунингдек, Россия Федерациясининг Кемерово, Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятларида ҳам қурилиш ишларини олиб боришадиган бўлишди.

Хуллас, Ўзбекистон валюта жамғармасини бойитишга интилиш катта. Барча режалар амалга ошса, иш ҳақини яна 25 фоизга кўтариш мумкин бўлади.

Бинокорлар хайрли ишларда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Хусусан, улар 28-, 33-ўрта мактабларни, 23-болалар боғчасини, 34-Меҳрибонлик уйини ҳамда юқумли касалликлар шифохонасини ўз оталиқларига олишган.

Ғофур МУРОДОВ.

ҲАР КИМ ЎЗИНИ ЎЗИ АСРАР

МАНА, кузнинг охирги кунлари ҳам ўтиб боряпти. Ҳадемай қишли-қировли, совуқ кунлар бошланади. Ҳароратнинг кескин пасайиши натижасида кўпчилик иситиш мосламалари, газ асбоблари ва турли хил қўлбола иситгичлардан фойдаланади. Бу, албатта, кўпгина ҳолларда ёнғин чиқишига олиб келиши мумкин. Хўш, кўнгилсиз воқеаларнинг юз беришига йўл қўймаслик мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак? **Ушбу саволларга Тошкент вилояти ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Мирислом ИНОЯТОВ жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, туманлари, аҳоли яшаш жойлари ва халқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармойишига асосан барча ҳудудларда шу йилнинг 16 ноябридан 16 декабригача «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ» ойлиги ўтказилмоқда.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ушбу тадбирда вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги қисм, бўлинмалари ходимлари фаол иштирок этишяпти. Улар турли ҳудудларда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Лекин, айрим фуқароларнинг лоқайдликлари туфайли ёнғинлар содир бўлиб турибди. Хусусан, 1998 йилнинг 10 ойи мобайнида вилоятимизда 1900та ёнғин бўлганлиги қайд этилди. Шулардан 925таси фуқароларнинг уйларида юз берди. Натижада, 25 нафар одам ҳаётдан бевақт кўз юмди. 142 киши турли тан жароҳатлари олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёнғин чиққанидан кейин ҳаракат қилишдан наф йўқ. Ўт чиришга қанчалик тез ва бор маҳоратларини ишга солиб хавфни бартараф этишмасин, барибир унинг асорати бўлади. Шу сабабли энг асосийси — ёнғиннинг олдини олишдир. Ана шунда офатлар, жароҳатлар сони камаяди, одамларнинг тинчлиги бузилмайди.

Шундан келиб чиқиб, биз аёзли кунларда кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролардан иситиш асбобларини яна бир бор кўздан кечиришларини, улардан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилишларини сўраймиз:

— иситиш мосламалари, газ печлари мўриларини қишки мавсум давомида ҳар ойда икки маротаба тозалаб, доимо соз ҳолатда сақланг;

— мўриларнинг уй шифтидан ўтадиган жойларига алоҳида эътибор беринг. Мўрилар билан шифт орасидаги 40 сантиметрдан кам бўлмаган жой ёнмайдиган ашёдан бўлиши шарт;

— табиий газ билан ишлатиладиган АГВ, ВН-100 ва бошқа агрегатларни техник кўрикдан ўтказинг. Агарда камчиликлари бўлса, газ идоралари ходимларини чақириб тузаттиринг;

— иситиш мосламалари, мўрилар атрофи ёнувчан нарсалардан ҳоли сақланиши керак;

— ёқилган печларни, сандалларни қаровсиз қолдирмасликка, иситиш асбоблари олдида ўтин, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни қуритмасликка, ўчирилмаган чўғларни бино ва иморатлар олдига тўкмасликка алоҳида эътибор қаратмоқ лозим;

— печларни ёқишда бензин, керосин, солярка ва бошқа тез ёнувчан суюқликлардан фойдаланманг;

— уйларни иситишда ҳар хил қўлбола мосламаларни ишлатманг;

— болаларни уйда ёлғиз қолдирманг, уларга иситиш мосламалари ва газ асбобларидан фойдаланишни топширманг.

Ўйлаймизки, барча фуқаролар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этадилар.

Мақсуда СУЛТОНОВА,
Тошкент вилояти ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси муҳандиси.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ — ҲАҚИҚИЙ ДАВЛАТ

ЕТТИ ЙИЛ... Тарих силсиласида бу муддат арзимас бир даврдек туюлади. Аммо, ана шу қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, ўзини олам айвонида барқарор этиши, ҳуқуқий, демократик фуқаролар жамияти қуриш йўлида собитқадамлик билан олға юриши мана-ман деган маърифий давлатлар томонидан ҳам тан олинди. Айтилганидек, олам Ўзбекистонни, Ўзбекистон эса оламни кашф этди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ истиқлолга эришгандан кейин ратификация қилган дастлабки ҳужжатлардан бири «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» бўлган эди. Ўша пайтдан эътиборан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир ҳужжатлар ва қоидалар мамлакатимизнинг бутун қонунчилик тизимига асос қилиб олинди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими ҳам айнан ушбу устувор масалага бағишланди. Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида моддаларда баён қилинди. Шунингдек, Бош қомусимизга биноан сўнгги йилларда қабул этилган кодекс ва қонунлар ҳамда Президент Фармонларида ҳам инсон ҳуқуқлари тамойилларига алоҳида ўрин бериб келинмоқда. Мамлакатимизда 1997 йил — «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилинганлигининг ўзиёқ қонуний ҳужжатлар бизнинг мамлакатимизда устувор эканлигини исбот қилиб турипти.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Ўтган сешанба куни Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ноҳукумат ташкилотларнинг роли» мавзусида халқаро анжуман ўтказилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Йиғиннинг баайни шу мавзуга бағишланганлиги бежиз эмас эди. Зотан, юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш йўлида ҳукумат ташкилотлари билан бир қаторда, ноҳукумат ташкилотларнинг қўшаётган улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Халқаро анжуманда ноҳукумат ташкилотларнинг вазифалари, уларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги, мазкур маҳкамаларни маблағ билан таъминлаш, бу борадаги хорижий тажрибалар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ноҳукумат ташкилотларнинг фаолият механизми ва воситалари сингари қатор мавзуларда маърузалар тингланди. Йиғинни инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов очар экан, республикамизда айни масала юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил гапириб берди. Анжуманда ўзаро фикр алмашувлар бўлди. Унда келажакдаги ўзаро ҳамкорлик йўллари ва истиқболлари белгилаб олинди.

АЖДОДЛАРИМИЗНИ ХОТИРЛАБ...

Анқарада Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудларининг 1225 ва 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси томонидан Туркия — Ўзбекистон дўстлик жамияти, Аҳмад Яссавий халқаро жамғармаси ҳамда туркий халқлар маданияти ва санъатини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ташкилоти (ТУРКСОЙ) билан биргаликда ўтказилган ушбу анжуманда Туркиянинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, хорижий дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари, талабалар иштирок этдилар. Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш. Мирмаҳмудов, Халқаро Имом ал-Бухорий жамғармаси раиси З. Мунавваров қатнашиб, йиғилганларга Ўзбекистонда аждодларимиз хотирасига бағишланиб уюштирилган катта тантаналар ва халқаро анжуман тўғрисида сўзлаб бердилар.

Конференцияда сўз олган Туркия — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби Номиқ Камол Зейбек, Туркия Буюк Миллат Мажлиси депутати Ўрхон Ковунчи, Аҳмад Яссавий жамғармаси раиси Ҳуррият Эрсой, ТУРКСОЙ Бош директори ўринбосари Зия Йилмазер буюк аждодларимиз қолдирган меросни ўрганиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

Анжуман доирасида Анқаранинг Кечиорен туманида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги хиёбоннинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» АА
Анқара.

Воқеалар тўлқинида

● МАЛАЙЗИЯ пойтахти Куала-Лумпурда Осиё-Тинч уммони иқтисодий ҳамкорлиги уюшмасига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви иш бошлади. Унда мазкур ташкилотга аъзо бўлган 21 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. Мулоқотларда асосий эътибор Осиёдаги молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш масалаларига қаратилди. Учрашув икки кун давом этди.

● 18 НОЯБРДА Латвия республикаси эълон қилинган кунга 80 йил тўлди.

● ФАЛАСТИН мухториятининг раҳбари Ёсир Арафот 1999 йил май ойида Фаластин давлатининг барпо этилажаклигини эълон қилди.

● РФ Мудофаа вазири И. Сергеев Сурия ҳамда Миср давлатларига сафар қилди. Олий даражадаги давлат раҳбарлари билан бўлган мулоқотларда вазир асосан янги ҳарбий қуролларни сотиш масалалари билан шуғулланди.

● ЮГОСЛАВИЯ Македония ҳудудида НАТОнинг тез ҳаракат қилувчи кучларини жойлаштириш режасига қатъий норозилик билдирди.

● АФҒОНИСТОН толиблари билан Аҳмадшоҳ Масъуд қисмлари ўртасида жанглар давом этди. Шимолий Иттифоқ кучлари Қобулни тўплардан ўққа тутдилар.

ИСЁНКОР БАРИБИР ҚЎЛГА ТУШАДИ

ГРУЗИЯ парламентининг мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси Реваз Адамия ўзининг ойнаи жаҳон орқали қилган чиқишида исёнчи полковник Акакий Элиаванинг 19 октябрдаги ҳукуматга қарши юришини бостиришда Арманистон ва Озарбайжоннинг ҳарбий бўлинмалари ҳам иштирок этгани тўғрисидаги хабарларни рад этди. А. Элиава ўзининг озгина тарафдорлари билан тоғларда яшириниб юрган бўлса-да, яқин орада улар барибир қўлга тушадилар, деб таъкидлади Р. Адамия.

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН ЭДИ

ҲАФТАНИНГ сешанба, чоршанба кунлари одамларнинг оғзидан Россия Федерал Хавфсизлик Хизмати атрофидаги шов-шувларга дахлдор гаплар аримай қолди. Жанжал ФХХнинг саккиз нафар юқори мартабали ходимининг одамлар олдидаги очиқ-ойдин эътирофидан бошланди. Улар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот уюштириб, ўзларининг маҳкамасига тегишли «катта сир»ни баралла айтдилар.

Гап шундаки, полковник Александр Литвиненко 1997 йилнинг охирида бошқарма бошлиғи А. Камишниковдан Борис Березовскийни «йўқ қилиш» тўғрисида топшириқ олган. Аммо, у бу ишнинг жиноят эканлигини назарда тутиб, буйруқни адо этмаган. Шундан сўнг еттинчи бўлим бошлиғи Ю. Енин А. Литвиненкога дўқ-пўписалар қилиб, унинг ўзига ҳужум уюштира бошлаган. ФХХнинг яна бир ходими бундай мазали воқеалар бошқа пайтларда ҳам бўлганлиги, жумладан, маълум корчалон Умар Жабраиловнинг укасини ўғирлаш бўйича берилган топшириқлар хусусида тўхталди.

Мазкур хусуматлар юзасидан Москва газеталарининг бирида МДҲ ижрочи котиби Б. Березовскийнинг очиқ хати чоп этилгач, ФХХ хизматчиларининг саккиз зобити йиғилганлар ҳузурига қора ниқобда келдилар. Чунки, очиқ юзлик уларнинг ҳаётига хавф солиши мумкин эди. Бундай кирдикорлардан хабардор бўлган Ҳарбий бош прокуратура далилларнинг тўлиқ эмаслиги боис суриштирув ишларини олиб бормаган. Контрразведкачиларнинг ошкора айтилган гаплари портлаган бомбани эслатди.

ФХХ директори В. Путин мазкур машмаша тўғрисида баёнот бериб, бу тарафкашлик ФХХни сиёсий ўйинларга тортишдан бошқа нарса эмас, деди. Турли доирадаги одамлар айни кунларда бу можаро манзарасини тўлиқ тасаввур этишга уринмоқдалар. Мудҳиш манзара эса «қуюқ туман» ичида турипти.

СУД АЙТДИМИ, ТАМОМ!

ЧЕЧЕНИСТОНДА тамойил шундай: мазкур республикада жорий этилган шариат судининг ҳукми барча мусулмонлар учун мажбурийдир. Ўзининг генераллик унвонидан мосуво этилган, шариат суди томонидан тўрт йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилинган Жохар Дудаев армияси генерали Салмон Радуев ҳам бунга бўйсуниши шарт. Чеченистон муфтийси Аҳмад Ҳожи Қодиров ана шундай баёнот берди. У Грозний телекўрсатуви орқали намойиш этилган ўз мурожаатида шариат судининг ҳукмига, фақат, оддий фуқаролargina эмас, билъакс, ҳокимият вакиллари ҳам бўйсуниши лозимлигини таъкидлади.

«ТАРЖИМАИ ҲОЛ» УСТАСИ

БУЮК Британия валиаҳди Чарлзнинг рафиқаси — марҳума малика Диананинг таржимаи ҳоли ва у ҳақдаги хотиралар тазкирасининг муаллифи Эндрю Мортон айни кунларга келиб АҚШ президенти Б. Клинтон билан муносабатлари хусусида катта шов-шувга сабаб бўлган Моника Левински ҳақида хотиралар ёзишга чоғланиб турибди. Британиялик ношир Майкл Омара шу ҳақда Э. Мортон билан шартнома тузганлиги ҳақида маълум қилди. «Моника тарихи» номли китобни келаси йил ёзида чоп этиш мўлжалланмоқда. Бу мажмуа Оқ уйнинг собиқ ходимасига бир миллиондан кўпроқ доллар миқдорида даромад келтиради.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● БУЮК Британия, АҚШ, Канада, Швейцариянинг бир гуруҳ мана-ман деган олимлари лаборатория шароитида инсоннинг сунъий юрагини яратиш мумкинлиги ва бу ишга қўл урилганлигини хабар қилдилар. Тадқиқотчиларнинг айтишича, бундай кашфиётни амалга ошириш учун камида олти миллиард фунт стерлинг ва ўн йил муддат керак бўлади.

● «ЮЛДУЗЛАР ФАВВОРАСИ» — сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси — илк саҳарда соат 4-5лар атрофида Тинч уммон минтақасида рўй берган табиат ҳодисасини олимлар шундай деб атадилар. Фазодан сон-саноқсиз кавкаблар нурли из қолдириб, ер курраси устига ёғилдилар. Бундай табиат мўъжизаси ўттиз уч йилда бир марта содир бўлар экан. Тахминан икки мингдан ўн мингтагача бўлган метеоритлар коинотнинг тиғиз қатламларида ёниб кетдилар. Ерга уларнинг айрим парчаларигина етиб келди.

● ЛИТВА пойтахти Вильнюс шаҳрида яшовчи Жанна Гоголиснинг фикри-зикри озиш эди. 16 ёшданоқ бу амални адо этиш учун у «ўз услуби»ни қўллай бошлади. Бундан Жаннанинг ота-онаси ҳам бехабар қолдилар. Хоним таом ейишни деярли тарк этган эди. Бир неча йилдан сўнг Жанна «рамақижон» бўлиб қолди. 159 сантиметр бўлган қизнинг вазни 23 килограммга тушиб кетди. Каунас эндокринология шифохонаси дўхтирлари жонбозликлари туфайлигина «коматдор бўлмоқни истаган хоним» яқинда ажал чангалидан юлиб олинди. Касалхонада муолажа олаётган Жанна айни кунларда беш килограммга семирди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
* * *
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас мерос».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Сеними, шошмай тур». Мультфильм.
10.40 Кундузги сеанс. «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Элга кирсанг, элдек бўл».
13.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.20—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Қалдирғоч». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Устозлар даврасида». Мусиқий дастур.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.25 **«Маънавият» дастури.**
23.10 А. Орипов. «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
00.30 «Ахборот».
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мульттомоша).
18.40 «Хонадон».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нигоҳ».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Ёшлар куйлаганда».
21.05 «Буюк юрт фарзандиман».
21.15 Араб эстрадаси.
21.30 «Маслаҳат».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Аҳмад қаекда?». Комедия.
23.55 Спорт-қитъаси.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Мухлис — ТВ».
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.15 «Бурч ва масъулият».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Дорихона эшитади...».
22.25 Телефакт.
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «ТТВ-мусиқаси».
23.20 «Минг бир ҳикмат».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Саргузашт фильмлар экрани.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

* * *
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади» сериалининг янги талқини.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 137-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Замонавий дизайн».
22.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.30 «Иф қалъасининг маҳбуси». «Аббат Фариа». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида).
01.00 Тунги сеанс: «А—2 лойиҳаси». Бадиий фильм.
02.40—02.45 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.15 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.30 Кундузги сеанс: «Жаноб «Р». Бадиий фильм.
12.05 «Мактублар-кабутарлар».
12.30 «Рақс, рақс, рақс...»
12.50 «Қизлар даврасида».
14.10—14.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўшиғим жон қўшиғим».
18.30 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси». Халқаро турнири.
18.50 «Ҳамкорлик маҳсули».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Куз таровати».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 «Санъаткор саодати». Қувондиқ Искандаров.
22.10 А. Орипов. «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Наманган вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мульттомоша).
18.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ёшлар ва спорт».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ғазал соғинчи».
20.50 Сиз севган хонанда: Илҳом Фармонов.
21.05 «Марду-майдон».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Хиванинг меъморий обидалари».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Мариядан юз ўгириб». Детектив.
24.00 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Суҳбатдош». Публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таянч».
20.20 «Қўшиқдан қўшиққа». Ўзбекистоннинг навқирон ёшлари куйлайди.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Табиат шифохонаси».
22.05 «Бу — джаз».
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Кинонигоҳ».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 138-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ-4 да немис тўлқини».
22.45 «Менинг шаҳрим».
23.00 «Вести».
23.30 «Иф қалъасининг маҳбуси»: «Граф Монте Кристо». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35 «Касбга назар».
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 Тунги сеанс: «Ҳаммангизни яхши кўраман». Кинокомедия.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Оҳанглар жилоси». Мусиқий дастур.
8.55 «Саломат бўлинг». Спорт дастури.
9.10 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
«Умид» намойиш этади:
11.20 «Вақтинг кетди...»
11.40 «Ғазалхон ёшлигим».
12.05 «Акс садо».
12.35 Кундузги сеанс: «Қамоқ муддати ўтгунча». Бадиий фильм.
14.10—14.40 Ўзбек куйларидан концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Ўсмирлар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Фермер».
18.45 «Дунё чиройли». Мусиқий дастур.
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тафсилот».
21.30 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.05 «Адолат мезони».
«Тунги ҳамроҳ»:
22.30 «Билим-ринг».
23.10 «Соғинчли салом».
23.30 «Ёшлар ва эстрада».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси», Мульттомоша).
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастур.
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ракурс». Ёзувчи Тоҳир Қаҳҳор.
19.50 Муҳаббат наволари.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.25 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.45 «Рақслар қанотида». Балерина Нозима Умарова.
21.05 «Авторейд».
21.15 «Ёшлик куйлайди».
21.35 «Эркин фикр». Раҳбар қиёфаси ҳақида.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги.
24.00 Ҳаммаси мода ҳақида.
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Кўзгу».
22.10 «Хайрли оқшом».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 139-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
22.45 «Мўъжизалар юрти».
23.00 «Вести».
23.30 «Технопарк-2000».
23.45 «Иф қалъасининг маҳбуси»: «Интиқом». Бадиий фильм. 3-қисм.
01.20 «Ахборот» (рус тилида).
01.45 Тунги сеанс: «Одамато ковурғаси». Бадиий фильм.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Чоликуши». Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Томчи».
10.40 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
11.20 «Маърифат маскани».
12.05 Кундузги сеанс. «Дастлабки терговь». Бадиий фильм.
13.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-



публицистик кўрсатув.
14.10 Осиё ўйинлари олдидан. «Бангкоқдан Сиднейгача».
14.25—14.55 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Юксалиш».
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Назм ва наво». Фузулий лирикаси.
22.10 «Миллий таълим уфқлари».
22.45 **«Сомон йўли».**
23.45 «Киёфа».
00.15 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мульттомоша).
18.40 «Мезон».
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Тараққиёт».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Мушоира».
20.45 «Мутойиба». Футбол ҳангомалари.
21.05 «Одамлар орасида».
21.35 Мусиқий лаҳзалар.
21.40 «Ёшлик формуласи».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. Чемпионлар лигаси.
24.00 «Дойче Велле» тақдим этади...
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.20 «Билиб қўйган яхши».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.45 «Куйла, ёшлигим». Шуҳрат Воҳидов.
22.10 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм.
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
23.05 «Яхши кайфият».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 «Видео-«О».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Эслашлари учун...» Юрий Каморний. Л. Филатов олиб боради.
19.40 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 140-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «02» тўлқинида.
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.50 Кинематограф: «Тарзан».
01.55 «Ахборот» (рус тилида).
02.20 «Оддий мўъжизалар». Телефильм.
03.05—03.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 27

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Мумтоз наволар.
8.50 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
9.10 «Спорт кошоналари».
9.25 «Зийнат».
9.40 «Халқ ижодиёти».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён».
10.35 Немис тили.
11.05 «Меъёр».
11.30 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
11.40 «Ботма, куёш».
12.05 Кундузги сеанс. «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
13.20 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
14.10—15.10 «Санамлар сарвари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» Халқаро турнири якунларига доир.
18.45 «Тилга эътибор».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Шеър ва шуур».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
22.05 «Саболарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги олдидан. «Инсон манфаатлари йўлида».
23.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
23.25 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.55 «Азиз сиймолар».
00.15 Бадиий фильм.
01.35—01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Келинг, танишайлик», Мульттомоша).
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч». Конституция ва ёшлар.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Автосалтанат».
20.45 «Азизим».
21.10 «Дунё спорти».
21.25 Хожибой қизиқ: «Танимадинг-а...», 2-кўрсатув.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Садоқат». (Ҳиндистон). 1-2 қисм.
01.10 «Мунаввар тонг истаб!».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Жозиба».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
20.20 «Кузги кўргазма». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.35 «Адабий иқлим».
21.50 «Умр дафтари».
22.05 «Ишдаги ишқ ёки...»
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Спорт оламида».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10-18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадиий фильм.
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 141-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Сизнинг адвокатингиз».
22.40 «Вести».
23.10 «Дил изҳори».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 «Йўл». Бадиий фильм. (1956 йил).
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55 Тунги сеанс: «Сира бундай қилма». Кинокомедия (Франция-Испания).
03.25—03.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 28

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳруҳ» клуби.
9.25 «Хатларда — ҳаёт акси».
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Очиқ дарс».
10.15 «Соғлом авлод учун».
10.35 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.55 «Ўйла, Изла, Топ». Телебеллашув.
11.40 «Қиш мавсумига шаймисиз?». Бевосита мулоқот.
12.30 «Телевизион миниатюралар театри».
13.05 Кундузги сеанс: «Оловли йўл». Бадиий фильм. 1-серия.
14.30 «Мен туғилган тупроқ».
14.45 «Бўстон». Тележурнал.
15.15—15.45 Ёш ижрочилар концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ кўнгли». Адабий кўрсатув.
21.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.25 «Олтин тўп». Спорт дастури.
22.40 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 «Макаллум». Бадиий фильм. 3-серия.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бугуннинг боласи», «Спорт майдончаси», «Бўш ўтирма»).
9.50 «Ёшлар куйлаганда».
10.00 «Хонадон».
10.15 «Ёшлар» телеканалида.
10.20 «Ракурс». Ёзувчи Тоҳир Қаҳҳор.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 «Ёшлар ва спорт».
11.10 Танишинг: Дилшод Жўраев.
11.25 «Эркин фикр». Раҳбар қиёфаси ҳақида.
11.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.30 «Мутойиба».
12.50 «Ёшлик формуласи».
13.05 «Ғазал соғинчи».
13.20 «Рақслар қанотида». Балерина Нозима Умарова.
13.40 «Маслаҳат».
14.00 «Синбад». Телесериал.
14.45 Шу куннинг мавзуси.
15.05 «Синема».
16.40 «Дойче Велле» тақдим этади...
16.50 «Жаҳон жуғрофияси».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Олтин калит», Мульттомоша).
18.40 «Хуш келибсиз!».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Агарда сиз...»
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.35 Бизнес академия.
20.55 «Дилбарим».
21.15 Интерфутбол.
21.35 «Туйғу».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Синема». «Қоя». Жангари фильм.
00.20 Шарқ оҳанглари.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
8.20 «ТВ ва театр».
8.45 «Ишдаги ишқ ёки...»
9.05 Дилором наволар.
9.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.05 «Еввойи табиат».
10.30 «Муаллиф».
11.00 Болажонлар экрани.
12.30 «Эверест-98».
12.50 «Билиб қўйган яхши».
13.05 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
15.50 «Онагинам».
16.10 «Бева Бланка». Телесериал.
16.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
17.10 «Ёш ёзувчининг кундалиги». Қисқа метражли бадиий фильм.
17.40 Жозиба.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 «Ер курраси».
19.15 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Олис юлдуз шуъласи».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Ҳамшаҳарлар».
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Кимлар туфайли...».
23.05 Эълонлар ва оҳанглар.
23.15 «Кинонигоҳ».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 «Тарзан». Бадиий фильм.
11.30 «Байяр қасри калитлари». Телевизион ўйин.
13.00 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
13.30 «Биргаликда куйлаймиз».
14.15—14.35 «Умид».
***
17.10-18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.10 «Чинсэн».
19.40 «Тенгдошлар».
19.55 «Тасвир-98».
20.10 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
20.30 «Мусиқий олимп».
*
Россия жамоат телевидениеси
21.00 «Время».
21.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
22.30 «Кўнгил қолма, муҳаббатдан». Фильм-концерт.
22.50 «Ғаройиб рейс»: Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида).
00.45 Тунги сеанс. «Ҳаёт ташвишлари». Бадиий фильм.
02.10—02.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
«Умид» намойиш этади:
9.15 «Талабалик йилларим».
9.40 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ёзувчи ва замон».
11.25 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
*
11.40 «Вилоят хонандалари куйлайди».
12.15 «Болалигим — пошшолигим».
12.50 Кундузги сеанс: «Оловли йўл». Бадиий фильм. 2-серия.
14.15 «Ҳаёт рисоласи».
14.55—15.45 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Илм олами: 2000 йилдан сўнг».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Элга кирсанг, элдек бўл».
21.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.25 «Ўзбекистон ифтихори». Бадиий спорт дастури.
23.05 ТВ—1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.55 «Макаллум». Бадиий фильм. 4-серия.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Уй вазифаси», «Олтин калит», Мульттомоша).
9.50 «Қалб тароналари». Равшан Комилов.
10.05 «Бизнес-академия».
10.25 «Лаззат».
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Буни кино дейдилар». Телесериал.
11.10 Цирк, цирк, цирк.
11.30 Хожибой қизиқ: «Танимадинг-а...»2-кўрсатув.
12.00 «Ўзбекистон» гуруҳи тақдим этади.
12.30 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.15 «Бари ҳазил».
13.25 Интерфутбол.
14.00 Муҳаббат наволари.
14.10 «Синбад». Телесериал.
14.55 «Ўзбекистон қанотлари».
15.05 «Жаҳон жуғрофияси».
15.55 «Синема».
17.25 «Дунё ҳафта ичида».
17.45 Шабнам.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Катта танаффус», Мульттомоша).
18.40 «Синфдош». Паркент тумани, Заркент қишлоғидан тайёрланган.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нафосат».
19.35, 20.25, 22.45 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ».
20.40 «Мусиқа салтанати»: Хожиакбар Раҳматов.
21.00 «Пахтакор» — чемпион!».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Кинопрофи.
22.50 Синема. «Оқ пўртана». Драма.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
8.20 «Яхши кайфият».
8.50 «Умр дафтари».
9.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.00 «Етти иқлим оҳанглари».
10.10 Болажонлар экрани. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
11.05 «Кимлар туфайли...».
11.35 «Адабий иқлим».
11.50 «Осойишталик истаб...»
12.05 «Туризм ҳақида».
12.35 С. Абдулла, Т. Жалил. «Тоҳир ва Зуҳра». Й. Охунбобоев номидаги Андижон вилоят драма театрининг спектакли.
14.50 «Бева Бланка». Телесериал.
15.35 «Спорт оламида».
16.05 Такрорий фильмлар экрани.
17.45 Дилором наволар.
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Мухлис—ТВ».
18.30 «Мультжумбоқ».
18.55 «Жавоҳирлар соҳили».
19.15 «Латифа».
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Таманно».
20.20 «Талабларингизга биноан».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Хива вақти билан соат 7 да». Фильм-концерт.
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Мухлис—ТВ».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Кинонигоҳ».
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?».
10.45 «Бу ажиб дунё».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Улкан». Бадиий фильм.(1956 йил). 2-серия.
12.55 «Табиат билан танишув».
13.15—13.35 «Айчурек».
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Жонли сайёра».
19.10 «Мюзик-холл».
19.35 «Савоянинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси.
21.00 «Время».
*
21.45 «Юртим, сени куйлайман». Телефильм.
22.00 «Таҳлилнома» (рус тилида).
22.30 Якшанба кинозали: «Оқшом чўкканда, азизим». Бадиий фильм.
24.00—00.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ҲОМИЙ БЎЛГАН «ТУРОН» ҲОМИЙГА МУҲТОЖ

1. АВВАЛО ЎТМИШГА БИР НИГОҲ

ВИЛОЯТДАГИ кенг қамровли илмий «Турон» кутубхонаси Туркистон ҳудудида ташкил этилган энг биринчи қироатхона ҳисобланиб, барча зиё масканларининг маркази ҳамдир. У XX аср бошларида миллий озодлик, эрк ва ҳуррият ғоялари билан майдонга чиққан бир гуруҳ тошкентлик жадид зиёлилари томонидан 1911 йилда саноеъ нафиса ва маориф ишларини тараққий эттириш мақсадида ташкил қилинган эди.

Улар дастлаб «Турон» жамиятини туздилар. Кейинчалик 1913 йилда эса мазкур жамият номида ҳаваскорлар театр труппаси вужудга келди. Труппани мунтазам саҳна асарлари билан таъминлаб туриш учун озарбайжон, турк, татар тилларида яратилган китоблар жамлана бошланди. Натижада ноёб қўлёзмалар кўпайиб кетди. Оқибатда ўз дунёқарашини кенгайтириш, истиқлол ғояларини чуқур англаш ва китобхонлар маънавиятини ошириш ниятида махсус қироатхонани очиш имкони туғилди. Айни пайтда маърифатчи зиёлилардан Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, адиб Абдулла Қодирий, драматург Ғулом Зафарий, ёзувчи-педагог Мўминжон Муҳаммаджонов — Тошқин, ношир Юсуф Алиевлар ўз жамғармаларидан 1500 дона ноёб китобларни тақдим этдилар. Шу тариқа 1918 йили Эски шаҳарнинг «Маҳсидўзлик» маҳалласида «Турон» кутубхонаси расман фаолият кўрсата бошлади. Зиё маскани айнан шу вақтдан эътиборан Россия ва хорижда нашр этилган турли соҳаларга тааллуқли бўлган китоблар, даврий матбуот намуналари ҳамда маҳаллий жарида ва мажаллалар, илмий ва бадиий асарлар билан таъминланиб, тўлдирилиб, бойитиб борилди.

1920 йилларга келиб, «Турон» том маънода Тошкентдаги маданий, илмий ва адабий марказлардан бирига айланди. Бу ерда ўзбек маданияти, адабиёти ва санъатининг атоқли намояндалари бўлиб танилган Чўлпон, Фитрат, Шокиржон Раҳимий, Мунаввар Қори Абдурахмонов, Маннон Уйғур, Элбек, Боту, Отажон Ҳошим, Ойбек, Ғози Юнус, Ғафур Ғулом сингари зотлар янги-янги китоблар, матбуот намуналари билан танишиб, ўз фаолиятлари учун олам-олам маънавий озуқа олганлар.

Замондошларининг хотирлашларича, буюк шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон кутубхонанинг садоқатли аъзоларидан бири бўлиб, Туркияда нашр этиладиган «Сарвати фунун» журналини олиб турар экан. Мазкур ҳолат шуни кўрсатадики, «Турон» хориж матбуоти саҳифалари билан ҳам мунтазам таъминланган. Машҳур турк олими Чўлпонзода, рус шарқшунос олими, академик В. Бартольд кутубхона фаолиятига юксак баҳо берган. Хусусан, 1929 йилдаги «Маориф ва ўқитувчи» газетасининг 6-сонида шундай дейилган: «Ижтимоий ўзгаришнинг турли даврида, турли соҳада чиқган даврий матбуотимиз кутубхонада тамоман тўпланғонким, бу бизнинг келгусимиз учун бой бир материал бўлиб, илмий-тарихий текшириш мақсади ила шуғулланувчи ўртоқларга жуда катта хизмат қилғусидир.

Бутун турк жумҳуриятлари ва иттифоқ доирасида чиқган бу даврий матбуотимизнинг бир қўлда эҳтиётланиб тўплана бориши кутубхонанинг нақадар бойлигини кўрсатадир».

Маърифатчи зиёлиларнинг 1500 дона китоб ҳадялари билан шаклланган «Турон» 1928 йилларга келиб, 20000дан зиёд бой ва ноёб хазинага эга бўлди. Буларнинг 13000таси туркий ва бошқа шарқ тилларидаги адабиётлар бўлса, 7000таси рус тилидаги китоблар эди. Кутубхона «Чиғатой гурунги», «Қизил қаламлар», «Ёш сатириклар» каби адабий тўгарак ва уюшмаларнинг ташкил топишида ҳам салмоқли ҳисса қўшди, улар аъзоларининг адабиёт жабҳаларига дадил кириб боришлари учун бекиёс хизмат қилди. Шу йиллари бу даргоҳда Абдувоҳид Расулов, Маҳкам-Қори Сайдалиев, Абдулҳай Носиров, Файзулла Убайдуллаев, Акбарбек Долимов, С. Солиҳов, Иброҳимов каби заҳматкашлар меҳнат қилишган. Кейинчалик жонкуяр ва фидойи Имомхон Хусанхўжаев, Отабек Каримов, Абдухолиқ Мамедов, Тўхта Содиқовларнинг баракали ишлари туфайли кутубхона ўз мавқеини янада баланд кўтарди. Китобхонларнинг сони эса йилдан-йилга кўпайиб борди.

2. «ТУРОН»НИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТИ

Бизнинг давримизга келиб, «Турон» кутубхонаси маданий-маърифий ва тарғибот муассасаларидан бири сифатида республикамиз, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳаётида ўзига хос ўрин тутади. Бу ерда 8 бўлим, 6та шўъба фаолият кўрсатмоқда. Унинг кўп қамровли китоб хазинаси 350 мингдан ортиқ жамғармага эга. Қутлуғ даргоҳ йилига 154 номда газета ва журнал олади. Бундан турли касб эгалари, олимлар, ёзувчилар, талабалар, ишчи ва кексалик гаштини сураётган илмга чанқоқ кишилар фойдаланишади. Демакки, халқимизнинг яқин ўтмишига муносабат ўзгариб, миллий қадриятларни тиклашга бўлган интилиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Демакки, ўзлигимизни англашга эҳтиёж катта. Шуни ҳисобга олган кутубхона ходимлари ҳам маданий хизмат савияларини оширмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, «Турон»да ташкил қилингандан бери мавжуд бўлган яхши анъаналарга доим амал қилиниб келмоқда. Айниқса, маълум ва машҳур кишилар билан китобхонлар учрашуви, китоблар тақдимоти, жонли мулоқотлар ўтказиш диққатга сазовордир. Масалан, 1998 йилнинг ўзида «Оила йили» муносабати билан ўтказилган 5та тадбир китобхонларга манзур бўлди. Куни кеча ўтказилган Абдулла Авлоний таваллуд топган куннинг 120 йиллигига бағишланган адабий кеча эса қатнашчиларга зарур сабоқ бўлибгина қолмай жадидлик ҳаракатининг янги қирраларини очиб берди.

Шуниси муҳимки, «Турон» мана 38 йилдирки, нафақат вилоят балки мамлакатимиздаги кутубхоналар учун услубий марказдир. Унда турли йўриқ қўлланмалари тайёрланиб, илғор иш тажрибалари тарғиб қилинади. Кутубхона ишлари таҳлил этилади, уларга зарур амалий ёрдам бериб борилади. Жамғармаларни шакллантириш ва жамлашда ўз маслаҳатларини аямайди, турли мавзуларда семинар-машғулотлар уюштирилади.

«Турон» доимо изланишда. Кутубхона жамоаси китобхонларга кўрсатилаётган хизмат савиясини ошириш, кутубхона хазинасини бойитиб боришни бош мақсад қилиб қўйган. Шунинг натижаси ўлароқ 1997 йилда Америка Очиқ Жамият институтининг кўмак жамғармаси томонидан кутубхоналар ўртасида ўтказилган танловда қатнашиб, 2577 долларлик компьютер тизими ва бир йил давомида «Интернет» ахборот маҳкамаси хизматидан бепул фойдаланиш грантини қўлга киритди. Натижада кутубхонада мавжуд бўлган ўзбек тилидаги адабиётларни компьютер тизимига киритиб «электрон каталог» ташкил қилишга эришилди. Бу эса зиё масканида туриб, 10-15 дақиқа ичида жаҳон кутубхоналаридан керакли маълумотларни бемалол олиш имконини яратди. Эндиликда бу ерда Овроосиё фонди грантида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

3. АСОСИЙ МУДДАОГА КЎЧСАК...

Вилоятимизнинг қутлуғ даргоҳи — «Турон» яқинда ўзининг 80 йиллик фаолиятини нишонлайди. Бу даврлар ичида неча-неча илмга чанқоқ авлодларга холис хизмат кўрсатди. Ва ўйлаймизки, ҳали келажакда фарзандларимиз ҳам ушбу маскандан зиё олиб, ифтихорлик туйғусида юрадилар. Аммо...

Маълумки, асримиз бошларида жадидлар йўлбошчилари асос солган Махсидўзлик кўчасидаги деярли барча иморатлар кутубхона ихтиёрида бўлган. Ҳозирги кунга келиб эса ана шу «Маданий тарихий» ёдгорлик ҳисобланган «Турон» биносининг бир қисми Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов туманига қарашли «Озиқ-овқатсавдо» идорасининг омборхонаси ихтиёрига берилди. Ваҳоланки, бу ерда ҳеч нарса сақланмайди. Бино бўм-бўш, яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Яна бир қисмида 0187 сонли омонат хазинаси (касса) жойлашган. Ачинарли томони шундаки, шу бинонинг ўзида «овоз ёзиш» студияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу китобхонларнинг маълумотларни олишларига халақит берибгина қолмай, балки маънавиятдан йироқ бўлган шовқин-сурон, куй-қўшиқлар тингловчилар асабини бузмоқда.

Кутубхона биносининг аҳволига келсак. Қадимда қурилган бу иншоот томлари эскириб қолган. Ёғингарчилик пайтлари намгарчилик китоб жамғармаларига ўтиб, ноёб асарларни яроқсиз ҳолга келтириб қўймоқда. Таъмирлаш учун эса маблағ йўқ. Ҳатто, ийманибгина шуни ҳам айтиш мумкинки, 1999 йил газета ва журналларга обуна бўлиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Бундан ташқари, ушбу зиё маскани вилоятдаги 648та кутубхонага амалий-услубий ёрдам бериш вазифасини ҳам зиммасига олган. Бунинг учун автотранспорт зарур бўлиб турибди. 1979 йилда олинган биттагина «авто-клуб» машинаси аллақачон яроқсиз ҳолга келган.

Тўғри, бу борада бир неча марта Маданият вазирлигига ёзма равишда мурожаат қилинган. Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг ҳам аҳволдан хабарлари бор. Аммо ҳозирча бирорта жўяли таклиф ёки ёрдамдан дарак бўлмаяпти.

— Одамларни ҳуқуқий маданият, маънавият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт, — деди Президентимиз Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияси юзасидан Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида, — токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси, ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва маъсулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади...

Дарҳақиқат, юртбошимиз айтмоқчи кишилар онгини ўзгартириш, уларни жамиятнинг фаол аъзоси қилиб тарбиялаш, энг муҳими, тафаккурини кенгайтириш учун биринчи навбатда ўқиш ва ўрганиш керак.

Кишиларда маънавият тушунчаларини шакллантириш, уларга ҳуқуқий билим бериш, қўйинг-чи, уларни маърифатга етаклаш, узоқ ва яқин ўтмиш тарихимиздан воқиф қилишга, хулоса чиқаришда, мустақиллигимизнинг қадрига етишда кўп воқеаларга тирик гувоҳ бўлган «Турон» сингари зиё масканларининг ўрни алоҳида.

Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар, ҳокимликлар ва идоралар раҳбарларини биз кўтарган муаммо бефарқ қолдирмайди. Қолаверса, пойтахтимизда «Турон» кутубхонасида таҳсил олиб катта йўлга чиққан маърифатпарвар зиёлилар, бошқа соҳа кишилари ҳам, бу масалада ўзларининг муносабатларини, ёрдамларини аямайдилар, деган умиддамиз. Зеро, мамлакатимизда маънавият ҳамиша устун бўлғай.

Вазира СОБИРОВА,
вилоят «Турон» кутубхонасининг директори.
Муродулла ҒАФУРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Маънавият устун бўлгай

Маданият хабарлари

● *УСПЕНСКИЙ номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг таниқли педагоги Тамара Попович раҳбарлигидаги бир гуруҳ ёш созандалари Германия ва Францияга ижодий сафаридан қайтиб келди. Пианино ва скрипка бўйича кўпгина республика ва халқаро танловлар совриндорлари бўлган бу ўқувчилар Берлин консерваторияси, Мусиқа коллежи, Париж консерваториясида мумтоз ва замонавий композиторлар асарлари ижроси билан мухлислар ҳурматини қозонди.*

● **ЎЗБЕКИСТОН бастакорлар уюшмаси ёш мусиқашунос танқидчиларни кашф этиш ва рағбатлантириш мақсадида навбатдаги танловни ўтказди. Унинг низомига кўра улар эстрада, симфоник мусиқа, опера ва балет асарларини шарҳлаб берадилар. Танловда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси, бастакор ва мусиқашунос Ойдин Абдуллаева биринчи ўринни эгаллади.**

● **МАМЛАКАТИМИЗ** бастакорлари мустақиллигимиз саккиз йиллигига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Таниқли бастакор Ҳабибулло Раҳимов ана шу санага бағишлаб «Истиқлол» ораториясини яратди. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси халқ чолғу асбоблари оркестри, хор жамоаси ва яккахон хонандалари ижросидаги бу асар бадиий кенгаш ва жамоатчилик томонидан юқори баҳога сазовор бўлди.

(ЎзА).

Устозодалар

КЎНГИЛНИНГ ОДАМИ

«Кўнгил ҳайратга, кўнгил ҳаяжонга айланганини кўрганмисиз? Кўнгил кимдир, кимлардир етолмаган қўшиққа айланиши мумкин. Кўнгил одамининг яшаши, яшнаши учун истеъдод деган улуғ бир неъмат бор», дейди ганчкор уста Саидасрор Саидмухторов.

«Кўнгилнинг ҳам одами бўладими?» — сўрайман, ҳижолатлигимни яширолмай.

«Ҳа, шундай. Кўнгил одамлари ўз кўнглига суяниб яшайди», такрорлайди уста.

Бу гап мени ҳайратлантиради. Устанинг ўзи ҳам кўнгил одами-ку, мулоҳаза қиламан ўзимча. Бу гапни Саидасрорга айтмадим, айтолмадим. Устанинг қалбидаги очиқ кўнгиллилик, беғубор ҳазилга мойиллик, муҳими, тиниб-тинчимаслик, қилаётган ишига фидойилик ҳислатлари мужассамлиги шу фикрни ёқлашга ундайди, мени.

Биз кўпинча учрашиб, суҳбатлашганимизда мозийдан ҳозирга қадар инсон меҳнати, салоҳияти, истеъдоди, туфайли яратилган осори-атиқаларнинг қандай бунёдга келганлиги ҳақидаги баҳсга киришамиз.

«Биз ўз ҳунари билан дунёни лол қолдирган, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни қурган улуғ халқнинг фарзандимиз», — дейди уста ўйчан қиёфада. «Ҳар бир бино, ҳар бир хонадон нақшинкор бўлишини, ганжина безаклар, шарқона гўзаллик уфуриб туришини истайман. Инсоннинг номини, гўзал хулқи-ю, қилган хайрли юмушлари улуғлайди, дўстим!»

Саидасрор даст ўрнидан турди-ю, узр сўраган бўлиб ташқарига чиқиб кетди.

Хаёллар оғушида уста босиб ўтган умр йўлларининг сарҳисобини кўз ўнгимга келтиришга уринаман:

...Мана, ўйинқаро, ерга урсанг кўкка сапчийдиган Саидасрор шўхликларини унутган каби турли нақшлар чизилган қоғозлар устида куйманмоқда. Ана... у раҳматли отаси Саидмухтор аканинг қўлидан тутиб, уста Маҳмуд Усмонов ҳузурига шошаётир.

Чизмалар нақшларга, нақшлар эса деворларга кўчаётган паллаларни унутиб бўладими? Ана, уста Маҳмуд зийрак шогирдини олқишламоқда. «Одамлар хурсанд бўлса бас». Ана... уста Маҳмуд шогирдига сўнгги маслаҳатларини бериб, оқ фотиҳага қўл очди.

Саидасрор Маҳмуд аканинг этагини ушлаб, ўн уч йил уста билан бирга ишлади. Ўн уч йиллик ўқиш-ўрганиш, шогирдлик машаққатлари ортда қолиб, Саидасрорнинг ўзи уста деган унвонга сазовор бўлган дамлар...

Энди уста Саидасрор Саидмухторов безаган бинолар хусусида: унинг қўли билан оро берилган бинолар пойтахтимизда, нафақат, бу ерда, балки хорижда ҳам кўпки, санаб адоғига етолмайсиз. «Туркистон» саройига кирганингизда унинг нақшинкор деворларига эътибор берганмисиз? Улар уста Маҳмуд ва унинг Саидасрор каби шогирдлари томонидан бунёд этилган. Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида алоқа бўлимлари деворларига ишланган нақшлар ҳам уста Саидасрорнинг қўли гуллигидан нишона. Ёки ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг биносини айтайликми? Яқиндагина шаҳримиз кўркига кўрк қўшган республика Олий Мажлисининг салобатли биноси устунлари, шарафа-пештоқларини, ичидаги гўзал панжараларни ҳам Саидасрор Саидмухторов бош бўлган «Саидасрорасал» фирмаси усталари ўрнатишган.

Умр деганлари оқар сувга ўхшаркан. Бугунги кунда уста Саидасрор Саидмухторов ва унинг шогирдлари ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам, ўзимизнинг мустақил ўлкамизда ҳам қанчадан-қанча биноларга безаклар ишлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Саидасрор айниқса, қандил чироқларни ясашга ишқибоз. Бир-биридан гўзал, бир-биридан нақшинкор қандиллар санъат саройлари, маданият муассасалари, турли туман маъмурий биноларда нур сочиб турибди.

...Кўнгил ҳайратга, кўнгил ҳаяжонга айланганини кўрганмисиз? Агар кўрмаган бўлсангиз уста Саидасрор Саидмухторов ишлаган нақшларга, қандилларга бир боқиб кўринг-а. Кўнгил одамининг сувратини, сийратини ўзингиз ҳам кўргандай бўласиз.

Шавкат ТУРОБ.

СПОРТ

«СУВ ПАРИСИ» – СИНХРОН СУЗИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Тошкентда синхрон сузиш бўйича бўлажак халқаро мусобақа олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бу мусобақа 23 ноябрдан 26 ноябрга қадар давом этади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси ва республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бу турнирда 6 мамлакатдан спортчи қизлар иштирок этади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, «Сув париси» мусобақаси Ўзбекистонда нисбатан яқинда, яъни 1982 йилда вужудга келган синхрон сузишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш керак. Республикамиз мустақилликка эришгач, синхрон сузишни ривожлантиришга ва тарғиб этишга катта эътибор берилмоқда. Сўнгги йиллардаги Жаҳон кубоги учун мусобақаларда иштирок этиб, 2000 йилда Сиднейда бўладиган Олимпия ўйинларига йўлланма олдилар.

Матбуот анжуманида «Сув париси» мусобақасининг асосий вазифаларидан бири қизларимизни синхрон сузишга жалб этишдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди. Бу мусобақа мамлакатимизда халқаро андозалар талабига жавоб берадиган В. Митрофанов номидаги ягона сув спорти саройи учун жиддий имтиҳон бўлади.

«Сув париси» халқаро мусобақаси республикамизда синхрон сузишни ривожлантиришга ҳисса қўшишга аҳд қилган ҳомийлар маблағи ҳисобидан ўтказилади.

(ЎзА).

Об-ҳаво

ҲАРОРАТ ПАСАЯДИ

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутахассисларининг хабар беришича, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 21-25 ноябрь кунлари ҳарорат ўзгариб туради. Дастлабки пайтларда шамол шарқ томондан ҳар сонияда 7-12 метр тезлик билан эсади. Айрим тоғли ҳудудларда бироз шивалаб ёмғир ёғади. Кечалари 7-12 даража, кундуз кунлари эса 13-18 даража атрофида иссиқ бўлади. Кейинчалик ҳарорат пасайиб, кечалари 2-7 даража совуқ, кундуз кунлари 5-10 даражагача илиқ бўлиши мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

— Ҳар бир рўзноманинг ўз ўқувчиси бўлади, — дейди Зангиота тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Мирза ака Аҳмедов (чапдан). — Мен «Тошкент ҳақиқати»нинг мухлисиман. Шунинг учун ҳам биродарим — туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳим Каримов билан иккимиз келгуси йил нашрлари учун обуна бўлишни севимли рўзномамиздан бошладик.

-ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ОБУНА БАҲОСИ

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2012 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1006 сўм 14 тийин
1 ОЙГА — 167 сўм 69 тийин

ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2612 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1306 сўм 14 тийин
1 ОЙГА 217 сўм 69 тийин

Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
Якка обуначилар учун — 205
Ташкилотлар учун — 206

ВАҚТ КУТМАЙДИ!

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани бош пиллахонаси Тошкент вилояти «ПИЛЛА» акциядорлик жамиятининг 63-сонли буйруғига асосан тугатилади. Натижада Бош пиллахона негизида «СЕЙ-СИНГ» Ўзбекистон — Япония қўшма корхонаси ташкил қилинди. «СЕЙ-СИНГ» Ўзбекистон — Япония қўшма корхонаси бош пиллахонанинг мулкий вориси ҳисобланади. Бош пиллахонага тегишли барча даъво ва масалалар юзасидан «СЕЙ-СИНГ» қўшма корхонасига мурожаат этилсин.

Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани. Даъволар 21-244 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ БОШ ПИЛЛАХОНАСИ БОШҚАРУВИ.

ОЧИҚ ТУРДАГИ «НИЛУФАРТРАНС» АВТОТРАНСПОРТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Очиқ турдаги «Нилуфартранс» автотранспорт акциядорлик жамияти шуни маълум қиладики, жамият акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши 1998 йилнинг 24 ноябрида соат 15.00да ўтказилади.
Манзили: Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 1А уй.
Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:
1. Очиқ турдаги «Нилуфартранс» автотранспорт акциядорлик жамиятининг меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига мувофиқлаштириш;
2. Кузатув кенгашига қўшимча сайловлар;
3. Ижроия орган раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Адлия бошқармаси, вилоят суди судьялари, вилоятдаги шаҳар ва туман судлари жамоалари Бекобод шаҳар судининг судьяси Наврўз Сармосович Нормуродовга падари буэруквори

Сармос НОРМУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0487. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 7.915 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5